



НУҚУ

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 16-АПРЕЛ, №15 (1212)



Дунёда кечаётган бугунги эпидемиологик вазият ер юзидаги ҳар бир кишини фикр юритишга мажбур этади. Хўш, инсоният кўпроқ нималар ҳақида ўйлапти? Табиийки, барча бу дарддан қандай қилиб тезроқ фориг бўлиш ҳақида ўйламоқда, касалликни талофатсиз энгиб ўтиш чораларини изламоқда. Жумладан, биз ҳам.

КУЧ – БИРЛИКДА, ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Шукрат УЗАКОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари –
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурори

Давлатимиз раҳбари юртимизга кириб келган коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инкирозга қарши курашиш шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича бўлиб ўтган видеоселекторда яна бир бор халқимизга мурожаат қилиб, шундай деди: «...шу синови дамларда ҳар бир ўзбекистонлик, ҳар бир идора, жамоатчилик вакиллари бир мушт бўлиб ҳаракат қилишимиз керак».

Ҳа, ўзбек халқи азалдан синовларни сабот билан энгиб келган. Бунда ҳамфикрлик, ҳамжихатлик муҳим аҳамият касб этганига тарих гувоҳ. Касалликка қарши курашаётган шифокорларнинг билим ва салоҳияти пандемияни энгиб ўтишга етарли. Фидойи шифокорларимиз бугун халқимизнинг меҳрини, чексиз қўллови ва эҳтиромини чин юракдан ҳис этмоқда. Қолаверса, юртимизда барча жабҳа вакиллари бир мушт бўлиб касалликни бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшаётир. Шу каторда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ходимлари ҳам бор куч ва имкониятини ушбу касалликни энгиб ўтишга қаратиб, зиммасига юклатилган вазифаларни шижоат билан бажариб келмоқда.

Хусусан, ҳарбий қисмларда санитария-эпидемиология ва карантин қондаларига риоя этилиши, барча хизмат хоналари, ошхона, аскарлар ётоқхонаси, саф майдони ва худудлар карантин қондалари асосида ҳозирлангани ҳамда ўз вақтида дезин-

фекция қилиниши назоратга олинган.

Ҳарбий хизматчилар учун фаолият юритаётган аутсорсинг хизматлари сифати, озиқ-овқат ва таом тайёрлаш жараёни ҳам ўрнатилган меъёрлар ва санитария-эпидемиология қондаларига мувофиқлиги, ҳарбий қисмлардаги дўконларда озиқ-овқатлар арзон нархларда сотилаётгани ва захираси тўлиқлиги мунтазам ўрганиб борилмоқда.

Маълумки, карантинга олинган алоҳида объектлар, шунингдек, республикамиздаги ички ўтиш блокпостлари назорати бугун тўлиқ ҳарбийлар назоратига ўтказилган. Ватан химоячилари бугун халқимизнинг соғлиғига ҳам камарбаста бўлмоқда. Бу жараёнда армия ва халқ – бир тану бир жон эканлиги яна бир бор ҳаётий тасдиғини топмоқда.

Ҳарбий прокуратура ходимлари бу борадаги ишлар самардорлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб бормоқда. Жумладан, Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда карантинга олинган алоҳида объектлар, худудлар ва блокпостларда кучайтирилган тартибда хизмат қилаётган ҳарбийларимизга яратилган шароитларни чуқур ўрганиб, кунни тунга, тунни тонга улаётган ватан химоячиларига мадад бўлишмоқда.

Давоми 2-бетда

АСОСИЙ МАҚСАД – ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига асосан коронавирус пандемияси шароитида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси органлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти органлари томонидан мутасадди идоралар билан ҳамкорликда озиқ-овқатлар нархининг барқарорлигини таъминлаш борасида кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриб келинмоқда.

Хусусан, республиканинг деҳқон бозорларида аҳолининг кунлик эҳтиёжини қоплаш учун 1600 тонна картошка, 1500 тонна пиёз, 1700 тонна сабзи, 360 тонна қарам, 1,26 млн. дона тухум, 1700 тонна гуруч, 1500 тонна ун, 481,9 тонна ўсимлик мойи ва 466,9 тонна шакар захираси шакллантирилган.

Жорий йил 13 апрель ҳолатига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга жами 467 тонна, Тошкентдаги деҳқон бозорлари, савдо тармоқлари ва сайёр савдо шохобчаларига 262,4 тонна картошка етказиб берилган.

Шунингдек, карантин шароитида фуқароларнинг бозорларга бориш имконияти пасай-

партамент органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда 18352 та кўчма ярмарка ташкил этилиб, аҳолига жами 20709 тонна озиқ-овқат арзон нархларда сотилди.

Шу билан бирга, фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва «Дори-дармон» корхонаси билан ҳамкорликда махсус жиҳозланган 131 та кўчма дорихона ташкил этилиб, карантин даврида 826 млн. сўмлик дори ва тиббий буюмлар сотилиши таъминланди.

Ушбу савдо расталари ва кўчма дорихоналар тўлов терминаллари билан таъминланган.



гани сабабли ҳар бир маҳалла, овул ва кишлоқда кўчма савдо расталари ташкил этилиб, уларда маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар нархида ҳеч қандай устамасиз сотиш йўлга қўйилди.

Мутасадди идоралар ва ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда маҳаллалар дислокацияси белгилаб олиниб, аҳоли зич жойлашган худудларда ҳафтада икки кун, нисбатан кам жойлашган худудларда эса ҳафтада бир кун ярмаркалар ташкил этилмоқда.

Жумладан, 1-13 апрель кунлари худудий прокуратура, де-

Аҳоли учун барча шароитлар яратилаётган бир пайтда, айрим мутасаддилар озиқ-овқат захирасини шакллантириш ўрнига уларни талон-торож қилган ёки нархларни сунъий оширган ҳолатлар ҳам учраб турибдики, уларга нисбатан кескин чоралар кўрилмоқда.

Прокуратура ва департамент органлари томонидан бу борада белгиланган ишлар режа асосида давом эттирилмоқда.

Фуқароларимиздан карантин шароитида асосиз ваҳимага берилмай, уйда қолиш қондаларига қатъий амал қилишларини сўраймиз.

Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти

Шу ўринда таъкидлашни истардикки, дунё мамлакатларида Covid-19 пандемиясига қарши кураш ва бу инфекцияга чалинган фуқаролар соғлиғини яхшилаш бўйича қўлланаётган чораларни бугун ҳаммамиз билиб, хулоса қилиб турибмиз.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидай, ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимиз эътибори ҳамда ғамхўрлигидан четда қолмайди. Республикаимиз миқёсда коронавирусуга қарши курашиш бўйича қатъий чоралар жорий қилинди. Қисқа муддатда барча вилоятларда махсус тиббий масканлар ва карантин ҳудудлари ташкил этилгани, масалан, Тошкент вилоятида барча шароитларга эга бўлган 20 минг ўринли махсус карантин ҳудуди ишга туширилиб, комплекснинг зарур тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган, 10 минг ўринли биринчи қисми фойдаланишга топширилгани ва 10 минг ўринли замонавий касалхона шу ойнинг охирига қадар қуриб битказилиши режалаштирилаётганида ҳам давлатимиз томонидан ўз вақтида ва тезкор амалга оширилаётган чоралар қўламини кўриш мумкин.

Бироқ давлатимизнинг шунча ғамхўрлигига қарамадан айрим фуқаролар уйда қолиб, ўзини ва яқинларини асраш ҳамда карантин қоидаларига амал қилиш ўрнига бу борадаги тартибни бузаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Мисол учун, карантин эълон қилинган вақтдан бошлаб 2020 йилнинг 15 апрель кунини соат 9:00 га қадар республикаимиз бўйича карантин қоидаларига амал қилмаслик билан боғлиқ 63882 та ҳолат аниқлангани ҳам баъзи юрtdошларимизнинг ҳозирги вазиятга масъулият билан муносабатда бўлмаётганини кўрсатмоқда.

Қонунийчилигимизда бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қучайтирилган ва 2020 йил 26 март кунини қонун билан Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 29²-модда билан ўзгартирилди. Унга қўра энди карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузган шахсга нисбатан тегишли тиббий асослар мавжуд бўлган тақдирда давлат санитария назорати органлари томонидан карантинда сақлаш ёки даволаниш тартибидаги мажбурият чораси қўлланиши мумкин. Тиббий йўсиндаги мажбурият чораси ўттиз суткагача бўлган муддатда маъмурий жазо тайинлаш билан бирга қўлланади ҳамда давлат санитария назорати органлари томонидан белгиланган жойларда ижро этилади. Тиббий йўсиндаги мажбурият чорасининг ижроси давлат санитария назорати, ички ишлар ва миллий гвардия органлари томонидан таъминланади.

Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жазо қучайтирилиб, карантинли ва ин-



DOLZARB

КУЧ – БИРЛИКДА, ҲАМЖИҲАТЛИКДА

сон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда жамоат жойларида никобсиз бўлганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда жарима белгиланди.

Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ёки тарқалишининг

ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаганлик учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдорларга эса ўттиз бараваридан элик бараваригача миқдорда жарима солиниши назарда тутилди.

26 март кунини қонун билан Жиноят

нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган магнда ёки оммавий ахборот воситалари, шунингдек интернет орқали тарқатганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтинчи соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилди.

Ҳарбий прокуратура органлари фуқароларимизнинг карантин қоидаларига амал қилишларини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Аёнки, ҳарбийлар тинчлик даври бўладими, хоҳ бугунгига ўхшаган ҳушёрлик ўн, юз чандон ошirilган паллами, ўз қасамига содиқ қолган ҳолда хизмат қилади. Уларнинг қандай шароитда эканлигини оила аъзолари ҳам ич-ичидан ҳис этиб турибди. Шу боис уларни ёлғизлатиб қўймаслик мақсадида доимий равишда ҳолидан хабар олиб келинмоқда. Ҳарбий шахарчаларда санитария-эпидемиология қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳарбий қисмлар ва маҳаллий тадбиркорлар ҳамкорлигида арзон нархларда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари кўчма ярмаркалари ташкил этиляпти. Ярмаркага келган фуқароларнинг ҳарорати ўлчаниб, икки метрлик ижтимоий масофа сақланиши таъминланмоқда.

Шунингдек, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари билан ҳамкорликда республикаимизнинг аҳоли зич яшайдиган ҳудудлари мунтазам равишда дезинфекция қилинаётгани, аҳолига тиббий никоблар, антисептик воситалар ва бўш вақтини самарали ўтказиш учун турли китоблар беғараз тарқатилётгани ҳам юрtdошларимизнинг кўнглини кўтармоқда.

Карантин бошланганидан кейин Республика ҳарбий прокуратураси ҳам муурожаатларни онлайн қабул қилишга ўтди. Ҳозир 71-232-01-71 ишонч телефони мунтазам ишлаб турибди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, барчамиз бир мушт бўлиб ҳаракат қилсақ, темир интизом билан ишласак, натижа албатта биз ўйлаганимиздек бўлади ва ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўташим.



олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузганлик, шу жумладан шифохонадаги ички тартибга риоя этмаслик, давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарқ этмаслик, касаллик юқин хавfli мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар

кодексининг 257¹-моддасига ҳам ўзгартиш қиритилиб, санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш одамларнинг оммавий касалланиши ёки захарланиши реал хавфини келтириб чиқарса ёхуд одамларнинг оммавий касалланишига ёки захарланишига олиб келган тақдирда беш йилгача, бундай қилмиш одамнинг ўлимига сабаб бўлса беш йилдан етти йилгача, одамларнинг ўлимига сабаб бўлган тақдирда эса етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланди.

Шу билан бирга, Жиноят кодекси 244²-модда билан ўзгартирилиб, карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши, бундай маълумотларни



БОЗОРДАН ХОНАДОНГАЧА

КЎЧМА ЯРМАРКА ВА БОЗОРЧАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бугунги синовли кунларда бозорларда, савдо марказларида озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг узлуксизлигини, нарх-навонинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Бош прокуратура хузуридаги департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси ташаббуси билан вилоят прокуратураси ва маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорликда бозорлардан узоқ маҳаллаларда арзонлаштирилган кўчма ярмаркалар ташкил этилди.

Урганч марказий деҳқон бозоридан йўлга чиққан кўчма ярмарка биринчи бўлиб шаҳардаги Умид маҳалласига кириб борди. «Элга хизмат», «Ижтимоий дорихона» каби савдо машиналарида рўзгор учун зарур бўлган дори-дармон, картошка, пиёз, помидор, сабзи, бодринг, нон, сут, гўшт, мой, ун каби маҳсулотларнинг савдоси маҳалла ахлининг узоғини яқин, оғирини енгил қилди.

– Бугунги ярмарка биз учун жуда қулай бўлди. Рўзгорга керакли барча маҳсулотлар арзон нархларда сотилапти, – дейди **Умид маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Бахтиёр Исмоилов.**

Тадбирда саховатпеша тadbиркорлар ҳамда блогерлар юздан ортиқ камбағал хонадонга тиббий ниқоб ва озиқ-овқатларни бепул тарқатди.

– Ҳозирги вазиятда журналистларимизга кўмак бериш, одамлар уйда қолиб, зарур машулотлар билан шуғулланишини тарғиб қилиш бизнинг ҳам асосий вазифамиз, – дейди блогер **Нажотбек**

Машарипов. – Айниқса, департамент органлари томонидан ҳар бир маҳаллада ташкил этилаётган кўчма бозорлар ҳақидаги ахборотни ўз вақтида жамоатчиликка етказиб бурсак, аҳоли ўртасида тарқалаётган асоссиз гап-сўзларнинг олдини олган бўлаемиз.

Урганч шаҳрининг «Байналмилалчи» маҳалла фуқаролар йиғинида уч мингдан ортиқ фуқаро яшайди. Маҳаллада асосан кўп қаватли уйлар жойлашган. Бу ерда ташкил этилган кўчма ярмаркада ҳам карантин қондаларига алоҳида эътибор қилинди. Харидорлар оралик масофани сақлаган ҳолда, эҳтиёжга яраша маҳсулот сотиб олдилар.

Шунингдек, Хива туманининг Парчанхос маҳалласида ҳам тургун бозорча ташкил этилди. Шу маҳаллада истикомат қилувчи тadbиркор бозорча учун ўз тўйхонасини ажратиб берди. Ҳозир бу ерда тadbиркорлар томонидан белгиланган нархларда ун, мой, гўшт, картошка, пиёз ва бошқа озиқ-овқатлар аҳолига



етказиб берилмоқда. Савдо жараёнида асосий эътибор нарх-навонинг ошиб кетмаслигига қаратилган.

– Ўзим боғчада тарбиячи бўлиб ишлаймам. Қўшни маҳаллада яшайман. Уйимизга яқин ҳудудда ташкил этилган бозорча узоғимизни яқин қилди. Бугун бозордан ун, балиқ, гўшт ва томоркам учун гул қўчатлари харид қилдим. Асосийси, олдин нархлар қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай, – дейди **харидор Қувонч Абдурахмонова.**

– Бугун Бош прокуратура хузуридаги департаментнинг вилоят бошқармаси ҳамда вилоят прокуратураси томонидан ҳудудларда жами 339 та кўчма ярмарка ташкил этилган. «Бозордан хонадонга» шioriга амал қилган ҳолда 752 та таъминотчи корхонадан иборат 42 та гуруҳ тузилди. Шунингдек, 12 та гуруҳ аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган 27 турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини маҳаллаларга етказиб бермоқда. Ҳар бир кўчма ярмарка ва бозорчада аҳолининг гигиена қондаларига риоя этиши, масофани сақлаган ҳолда савдо қилиши назоратга олинган, – дейди **Бош прокуратура хузуридаги департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи Гайратжон Султанов.**

Карантин пайтида аҳоли учун қулайлик яратилганига қарамадан айрим фуқаролар озиқ-овқат маҳсулотларининг

ноқонуний савдосига ҳам қўл урмоқда. Хусусан, департаментнинг Хива шаҳар ва туман бўлими ходимлари ўтказган тезкор тadbирда 4 тоннага яқин картошка ноқонуний сотилишининг олди олинди.

Яъни, Хива тумани Саёт кишлоғида яшовчи Д.Салаев тadbиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан Хива шаҳридаги «Гулшан деҳқон бозори» МЧЖ ҳудудида шу туманда яшовчи фуқарога 3600 килограмм картошкани 17 млн. 400 минг сўмга сотишга келишиб, олдиндан 2 млн. сўм пулни олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди. Д.Салаевдан 14 млн. 63 минг сўмлик 4018 килограмм картошка ашёвий далил сифатида олиб қўйилди ва чекка ҳудудларда ташкил этилган кўчма бозорларда арзон нархда сотилиши таъминланди.

Бугунги синовли кунлар барчимиздан бирдамлик ва ҳамжихатликни талаб этади. Шундай экан, ҳар бир юртдошимиздан уйда ўтирган ҳолда каратинни беталофат ўтказишда кўмакчи бўлишни, зарур бўлмаса кўчмага чиқмасликни, мутасалди ташкилотлар тавсия этаётган тартиб-қоидаларга риоя қилишни сўраб қоламиз. Бу орқали нафақат ўзимизни, балки яқинларимизнинг саломатлигини ҳам асраган бўлаемиз.

Дилрабо КУРЯЗОВА,
журналист



ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Самарқанд вилоятида ёшлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида йўл харитаси ишлаб чиқилган. Унда белгиланган чора-тadbирлар ижросини таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида «Барчаси ўз қўлинда», «Келинг, дўст бўламиз!», «Ёшлар коррупцияга қарши» каби мавзуларда 1400 дан ортиқ тadbир уюштирилди.

Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгаши бошқа муассаса ва ташкилотлар билан биргаликда «Барчаси ўз қўлинда!» тарғибот тadbирларини ҳар ойнинг 10-куни мунтазам ўтказиб бормоқда.

Вилоятдаги бир қатор ташкилотлар билан биргаликда «Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини ошириш», «Ўқувчилар содир этиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш» мавзуларида 1900 дан ортиқ учрашув ўтказилди.

Муҳаррам ҲАМРОЕВА,
Самарқанд вилояти прокурорининг ёрдамчиси

Биз коррупцияга қаршимиз

«ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИ» ШУНДАЙ ЎРГАТИЛАДИМИ?

Департаментнинг Косон тумани бўлими томонидан Косон саноат-транспорт коллежи талабаси Д.А.нинг мурожаатига асосан тезкор тadbир ўтказилди.

Маълум бўлишича, Косон саноат-транспорт коллежи иқтисодиёт асослари фани ўқитувчиси И.Ф. коллеж директори орқали дипломингни олиб бераман деб ўқувчидан 1 200 000 сўм талаб қилган. Тумандаги «Кўнғиртов» МФЙ Қўлбуқа кишлоғида ўқитувчи ўқувчидан шу пулни олган чоғида ашёвий далил билан қўлга олинди. Наҳотки, у иқтисодиёт асосларини ўқувчисига шу тарзда ўргатмоқчи бўлган бўлса?

Суд орқали бу тафсилотларга оидлик киритилди ва ўқитувчига қилмишига яраша жазо тайинланди.

Баҳриддин НАРЗУЛЛАЕВ,
департаментнинг Косон тумани бўлими бошлиғи



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг Рамазон ойини ўтказиш ҳақидаги баёноти эълон қилинди.



ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИ ЙЎЛИДА

2020 йил 3 апрель кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодиёт тармоқлари фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, айрим хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади.

Ушбу фармонга кўра:

биринчидан, туристик ва меҳмонхона фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар шу йил якунига қадар ер ва мулк солиқларини тўлашдан озод этилади. Уларга ижтимоий солиқ ставкаси ҳозирги 12 фоиздан 1 фоизга туширилади. Ушбу имтиёздан соҳада хизмат кўрсатаётган мингдан ортиқ субъект фойдаланиши имкониятига эга бўлади;

иккинчидан, карантин даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган яқка тартибдаги тадбиркорларга даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилади. Ушбу имтиёз қарийб 150 минг тадбиркорга қатта кўмак бўлади;

учинчидан, тушуми ўтган ойдаги нисбатан 50 фоиз камайдан кичик бизнес субъектларига айланмадан олинмаган солиқ, ер солиғи, мулк солиғи, ижтимоий солиқ ва сув солиғини тўлаш муддати шу йил 1 октябрга қадар кечиктирилади. Тадбиркорлар бу имтиёзлардан солиқ идорасини уйдан туриб хабардор қилиши мумкин;

тўртинчидан, 1 апрелдан бошлаб юридик шахсларнинг табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов мажбурияти амалдаги 100 фоиздан 30 фоизга туширилади;

бешинчидан, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ёрдам бериш кўлами янада кенгайтирилади.

Ҳозирги кунда тадбиркор олган кредит ставкаси 24 фоизгача бўлганда унинг 8 фоизини жамғарма қўшимча берар эди. Энди кредит ставкаси 28 фоизгача бўлганда ҳам унинг 12 фоизини давлат қоплайди.

Бунинг учун тадбиркорларнинг 3 триллион сўмлик кредитлари фоизини қоплашга жамғармадан қўшимча 400 миллиард сўм йўналтирилади. Жамғарма бир тадбиркорнинг фақатгина битта лойиҳасига кафилик бериши бўйича чеклов ҳам бекор қилинади.

Интизомли ва ишончли тадбиркорларга кредитнинг 75 фоизига жамғарма кафилик беради (бугунги кунда 50 фоиз). Кафилик суммасининг юқори чегараси ҳам 8 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмга оширилади;

олтинчидан, қийин аҳволдаги короналар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва аҳолининг 12 триллион сўмлик кредит мажбуриятининг муддати узайтирилади;

еттинчидан, аҳолини, айниқса, унинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чоралар белгиламоқда. Жумладан, шу йил якунига қадар ун, ўсимлик мойи, гўшт ва сут маҳсулотлари, шаккар, гигиена воситалари каби асосий истеъмол товарларини импорт қилишда бож ва акциз солиғи ундирилмайди.

Шунингдек, 2020 йил март-июнь ойларида муддати туғайдиган болали оилаларга нафақа, бола парваришlash нафақаси ва моддий ёрдамни тўлаш учун қўшимча мурожаат ва хужжатлар талаб этилмайди. Улар автоматик тарзда 6 ойдан 1 йилгача узайтирилади. Ушбу даврда бошқа муҳтож оилаларга ҳам шундай нафақалар тайинлаш давом эттирилади.

Бу чоралар орқали яна 120 мингдан зиёд камбағал оила камраб олинади (ҳозир 600 мингта).

Карантин даврида ёлғиз кексалар ва ногирониларга 18 турдаги асосий озиқ-овқат ва гигиена товарлари бепул етказиб берилади;

саккизинчидан, карантин даврида уй шаронтида ривожлантириш мумкин бўлган фаолият турлари янада қўллаб-қувватланади. Ушбу соҳа учун бу йил яна 50 миллион доллар маблағ йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда коронавирус пандемияси бутун инсоният саломатлиги ва осийишталлигига жиддий ҳавф туғдирмоқда. Бироқ бизда хавотирларни ари-тадмин таскин бор. Бу – давлатимиз гаҳмхўрлиги. Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, ҳамма давлатлар ҳам бугунги вазиятда халқини ижтимоий муҳофаза қилиб, тадбиркорларга енгилликлар храта олмайди. Юқорида келтирилган хужжат мамлакатимизда ҳар қандай шаронтида ҳам давлат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва иқтисодиёт барқарорлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратаётганидан далолат.

Ўз мухбиримиз

ЕР ЭГАСИНИ ТОПМАСА...

Ҳозир фермер юқоридан кўрсатма, буйруқ кутиб ўтирмайди. Ишини билиб қилаверади. Ери аниқ, экадиган экинни аниқ. Аммо гуруч курмасиз бўлмайди деганларидек, фермерларнинг ҳаммаси ҳам ҳар қарич ернинг қадрига етаётгани йўқ. Аксинча, уни талон-торож қилаётганлар ҳам учрайди.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан Қашқадарё вилояти прокуратураси органлари томонидан ўтган йили ўтказилган текшириш ва таҳлиллар натижасига кўра 257 та прокурор назорати ҳужжати қўлланган. 236 нафар юридик шахснинг ҳукуқи тикланган.

Масалан, Китоб туманининг Алақўйлик кишлоғида яшовчи У.М. «Жовли Турдиев» массивида маийший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриб, фойдаланиб келган. Бундан ташқари мазкур хуудла тўзтор ташкил этиш учун ажратилган 0,58 гектар ерга фуқаро Р.Р. уй қуриб олган. Ушбу ҳолатлар юзасидан Китоб тумани прокуратураси томонидан ҳар иккала шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал қилинган.

Ерни фермерларнинг ўзи талон-торож қилиши ҳам кўп учрайди. Хусусан, Қарши туманидаги «Руслан» фермер хўжалиги раиси Р.Э. таниши Й.Ж. билан жиний тил бириктириб, 20 кишига хўжаликнинг 1,34 гектар сугорилмаган ерини 75 миллион сўмга сотиб юборган. Мазкур фермернинг устидан жиноят иши кўзга тилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 80 баравари миқдоридан жарима солинган бўлса, Й.Ж.га 2 йилу 3 ой муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган.

Айрим ҳокимликлар ер ажратишда қонуни бузмоқда. 2019 йилда туман ҳокимларининг мева-сабзавотчилик учун 30 гектар, чорвачилик йўналишида 1629 гектар, бошқа мақсадда 4557 гектар ер ажратилиши ҳақидаги 140 дан ортиқ қарори протест келтириш орқали қонунга муво-

фиқлаштирилган. Шунингдек, кўрилган чоралар туфайли 2227 гектар ер ҳокимлар ихтиёрига қайтарилган.

Вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонасининг маълумотига кўра, 2020 йил 6 январгача кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳақидаги 12031 та мурожаат рад қилинган бўлиб, шундан 7266 таси кишлоқ хўжалигига мўлжалланган 1196,8 гектар ерда қурилган уй ва бошқа биноларнинг ҳужжатлаштириб бериш ҳақида. Бироқ бошқарма ҳисоботида мазкур қонунбузарликлар тўлиқ акс эттирилмасдан, 2019 йилда 181 ҳолатда 64,2 гектар ер ўзбошимчилик билан эгалангани кўрсатирилган.

Ўрганишларда биргина Миришкор туманидан 30 киши 5 гектар суви ерни ўзбошимчилик билан эгаллаб, қонуний равишда уй ва бошқа бинолар қуриб, фойдаланиб келаётгани аниқланган. Ҳолат юзасидан тегишли ҳукуқий таъсир чоралари қўлланилган.

Қайсидир ўзбошимча сотган, ҳада этилган, истаганча талон-торож қилган, қайсидир боқибегамнинг айби билан қучсирилиб, шўрланиб бораётган ер аслида жонажон ватанимизнинг бир парчасидир. Демак, у фақат сиз ва бизнинггина мулкимиз эмас, унда туғилажак фарзандларимиз ва набираларимизнинг ҳам ҳаққи бор. Уни талон-торож қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Рустам ҲАЙИТОВ,
Қашқадарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

КАДАСТР ХОДИМИНИНГ ФИРИБИ

Юртимизда коррупцияга қарши қатъий кураш олиб борилмоқда. Бу борада давлат идоралари ошқоқра фаолият юритиши баробарида фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллиги шаклланаётганини қуйидаги мисолда кўриш мумкин.

Олтиариқ туманида узумчиликни ривожлантириш мақсадида белгиланган тартибда ер ажратилиб дехқон хўжаликлари ташкил этилмоқда. Узум етиштиришни ният қилган Фозилжон ва Холикберди (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Фарғона вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг туман бўлимига учрайдилар. Кадастр ходими Э.Матмусаев ўз оёғи билан келиб турган луқмани қўлдан чикармасликка астойдил бел боғлайди. Уларга дехқон хўжалигини ташкил этиш ва ер ажратиш тартибини холисона тушунтириш ўрнига аввалига хафсалани пир қиладиган шартларни қалаштириди. Сўнг туман ҳокими ва бошқа маъсуллар орқали ер ажратиш бериши мумкинлигини «тушунтиради». Шартига «қўнган» Фозилжонни 5 гектар ер ажратиши учун қарор чикартириб беришини айтиб, оз эмас, кўп эмас, нақд 30 минг АКШ доллари миқдоридан пора беришга ундайди.

Департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси ДХХ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тадбирда кадастр ходими 22 минг доллар ва 28 млн. 500 минг сўм пулни фирибгарлик йўли билан олганда ушланди. Жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судида фирибгарнинг иши кўрилди. У 20 минг доллари туман ҳокимига берман деб алдагани, ҳокимни умуман танимаслигига иқдор бўлди. Жабранлувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, далиллар билан айби тасдиқланган Э.Матмусаевга базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробари – 22 млн. 300 минг сўм жарима, уч йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Давргеозекадастр кўмитаси томонидан Фарғона вилоятида ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ҳолатларига ва ўз ишига совуққонлик билан қарагани учун бир нечта раҳбар ва ходимлар, шу жумладан, Олтиариқ филиалининг раҳбари лавозимдан четлатилди.

Жамшид ҚАЙИМОВ,
департаментнинг Олтиариқ туман бўлими бошлиғи

КОРОНАВИРУС ЭПИДЕМИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШ

УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги коронавирус пандемияси нафақат инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи, балки давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига ҳам хавф туғдирмоқда. Инфекциянинг кенг тарқалиши ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг кескин қисқаришига, халқаро савдонинг издан чиқишига ва бошқа қийинчиликларга олиб келмоқда. Ушбу омиллар глобал иқтисодий тизимнинг бир қисми бўлган Ўзбекистонга ҳам таъсир ўтказаяпти.

Маълумки 2020 йилнинг 19 март кунин Президентимизнинг «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унга асосан Молия вазирлиги ҳузурида Инкирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғара маблағлари коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича соғлиқни сақлаш соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш, тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тармоқларнинг барқарор ишлашини таъминлашга йўналтирилади.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида 10 минг кишини қабул қилишга мўлжалланган карантин зонаси барпо этилмоқда. Унинг дастлабки қисмига ҳуридан келган 2200 дан ортиқ фуқаро жойлаштирилди. Зангиота туманида 10 минг ўринли иккита вирусология шифохонаси қуриляпти. Чет эллардан минглаб тест ва химия воситалари олиб келинмоқда. Жанубий Кореядан малакали шифокорлар келиб беморларни даволашда иштирок этилмоқда. Шифокорларимиз хорижий ҳамкасблари билан мунтазам видеомулқотда бўлиб тажриба алмашапти. Телевидеода коронавирус эпидемиясига қарши кураш бўйича маърифий кўрсатувлар намойиш этилмоқда.

Коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда қисқа даврда бир қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди. «Ўзбекистон Респуб-

касининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди. Унга кўра Жиноят кодекси карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш учун жавобгарлик белгиланган 244²-моддаси билан тўлдирилди. Ушбу жиноятни содир этганлар уч йилгача озодликдан маҳрум қилиниши белгиланди.

Шу билан бирга, Жиноят кодексининг санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қондаларини бузиш учун жавобгарлик кўрсатилган 257¹-моддаси янги тахрирда ишлаб чиқилди. Унга кўра санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қондаларини бузиш, шу жумладан карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шариғатида давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарқ эмаслик, касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабаблариз бажармаслик одамларнинг оммавий касалланиши ёки заҳарланиши реал хавфини келтириб чиқарса ёхуд одамларнинг оммавий ка-

салланишига ёки заҳарланишига олиб келса, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу қилмиш одамнинг ўлимига сабаб бўлса, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш, агар одамларнинг ўлимига сабаб бўлса, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Чет элларда, масалан, Италия, Испания, Францияда ушбу қилмиш учун 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, Хитойда эса ўлим жазоси назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар назар ташлайдиган бўлсак, кодекс карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шариғатида тиббий йўсиндаги мажбурий чорасини қўллаш кўрсатилган 29²-модда билан тўлдирилди. Унга кўра ушбу шариғатда санитария ва эпидемияга қарши курашиш қондаларини бузган шахсга нисбатан тиббий асослар мавжуд бўлган тақдирда давлат санитария назорати органлари томонидан карантинда сақлаш ёки даволаниш тарзидаги мажбурият чораси қўлланиши мумкинлиги белгиланди. Ушбу чора давлат санитария назорати, ички ишлар ва миллий гвардия органлари томонидан амалга оширилади.

Шу билан бирга, коронавирус эпидемиясининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда МЖТКнинг эпидемияларга қарши курашиш қондаларини бузиш учун жавобгарлик кўрсатилган 54-моддаси янги тахрирда ишлаб чиқилди. Ушбу модданинг биринчи қисмида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шариғатида жамоат жойлари-

да никобсиз юрганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда жарима солиш белгиланди.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шариғатида шифохонадаги ички тартибга риоя этмаслик ҳамда давлат санитария органларининг тиббий текширувдан ва белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойни белгиланган муддат давомида тарқ эмаслик, касаллик юқиши мумкин бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва борган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларни узрли сабаблариз бажармаслик фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунинг қайд этиш керакки, қонун ҳужжатларига ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши ҳақида аҳоли орасида асосиз ваҳима тарқалишининг олдини олиш; жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мутасадди идораларнинг нормал фаолият юритиши учун етарли шароит яратиш; юқумли касалликлар пайдо бўлиши ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида киритилди.

Президентимиз таъкидлаганидай, «...коронавирус тарқаб кетмаслиги учун давлат барча чораларни кўради. Аммо шу синовли давларда ҳар бир ўзбекистонлик, ҳар бир идора, жамоатчилик вакиллари бир мушт бўлиб ҳаракат қилишимиз керак. Касалликни маҳалламизга, уйимизга, оиламизга олиб кирмаслик учун энг аввало ўзимиз мастулумиз».

Ботир МАТМУРАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси

FAOLIYAT

МИВ ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ЖАРАЁНИ ОНЛАЙН РЕЖИМДА

Бугун дунё аҳли коронавирус пандемиясига қарши курашмоқда. Мамлакатимизда ҳам унинг олдини олиш бўйича кескин чоралар кўриляпти. Мажбурий ижро бюроси органлари фаолиятида ҳам қатъий профилактик чоралар белгиланган.

Яхши биламизки, Мажбурий ижро бюроси фаолиятида фуқароларнинг бевосита иштироки адалга оширилиши лозим бўлган тармоқлардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш, энергия ресурслари учун ҳисоб-китобларга

аниқлик киритиш, дарҳол ижро этиладиган ҳужжатлар билан боғлиқ ҳаракатлар мавжуд.

Юртимизда карантин жорий этилиши туфайли бюро ходимлари онлайн режимда масофавий ишлашга ўтказилди.

Ҳозир бюро инспекторлари

электр ва табиий газ ҳисоблаш ускуналарининг кўрсаткичларини «Telegram» тармоғида яратилган «tibuzbot» бот-канали орқали фото шаклида қабул қилиб, масофадан иш олиб бормоқда.

Ушбу дастурни ишлаб чиқишда бизнинг фаолиятимизга безътибор бўлмаган истеъмолчилар, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари муносиб ҳисса қўшдилар, улардан кўплаб таклифлар келиб тушди ва инобатга олинди.

Демак, «tibuzbot» бот-канали билан қандай ишланади?

Ҳозир фуқароларнинг кўпчилиги ўз уйида. Улар аввало ушбу бот-каналига кириб, «старт» тугмасини босиши, кейин эса мобил телефон рақами билан улангани лозим бўлади.

Шундан сўнг коммунал хизмат тури, виллоят, туман, шаҳар ва яшаб келяётган маҳалла

танланади, кейин эса ўзларини қизқирган коммунал хизмат турига қараб, шахсий ҳисоб-рақамини киритади, ушбу маълумотлар киритилгандан сўнг ушбу бот абонентнинг ҳисоб-китоб маълумотларини кўрсатади.

Яъни, истеъмолчилар ўз ҳисоблагичининг фотосуратини юбориб, тўловларни кузатиб бориш ва қарзини тўлаш имкониятига эга бўлишади. Тўловни амалга ошириш учун бот орқали электрон тўлов тизимларига кириб, истеъмолчининг пластик картаси рақами, унинг муддати, унга боғланган телефон рақами ва тўлов суммасини ёзиб, SMS-хабар орқали келган ҳимоя кодини тасдиқлашлари қиёф. Шу заҳоти истеъмолчига пул тўлангани маълум қилинади. Бундай қудайликлар Мажбурий ижро бюросининг tibuz сайтида ҳам яратилган.

Сайтдан, шунингдек, қарзларни текшириш, ижро иши юритишнинг барча босқичларини кузатиб бориш, хорижага чиқиш учун чеклов ҳақидаги маълумотларни билиб олиш имкони мавжуд. Қарздорлик аниқланса, сайтда келтирилган «Раумте», «Раумет», «Click», «Урау» ва бошқа электрон тўлов хизматлари орқали тўловларни амалга ошириш имконияти яратилган.

Бюро фаолиятига оид ҳар қандай масала юзасидан мурожаатлар 1107 қисқа рақамли ишонч телефони орқали қабул қилинмоқда, фуқаролар мурожаатини tibuz сайти орқали ҳам онлайн режимда юборишлари мумкин.

Фаррух ТОШПҲАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИВ жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими бошлиғи

01 Абонент телеграммалари ёрдамида «tibuzbot» бот каналига кирилади.

02 Бот каналига кириб, тўлов турини тандайди. Виллоят/туман, шаҳар, қишлоқ рақамини киритади.

03 Мобил телефон рақамини ёзиб, SMS-хабар орқали келган ҳимоя кодини тасдиқлашлари қиёф.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратура ҳузуридаги
Мажбурий ижро бюроси

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратура ҳузуридаги
Мажбурий ижро бюроси

Марказий банк Бошқарувининг 14 апрелдаги навбатдан ташқари йиғилиши қарорига асосан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 1 фоиз бандга пасайтирилиб, йиллик 15 фоиз даражасида белгиланди.

ТИББИЙ БИЛИМИМИЗ ОҚСАСА...

НАФАҚАТ ЎЗИМИЗ, ЖАМИЯТ ҲАМ ЗАРАР КЎРАДИ

Соғлигим вадидан шифокорга учрашмоқчи эдим. Бироқ бугунги ҳолатдан келиб чиқиб, аввал вазиятни билиш, ишда бўлсагина унинг қабулига бориш ниятида таниш шифокор – Манзура опага кўнғирок қилдим. Жавоб бўлавермагач, ортиқча безовта қилгим келмади.

Икки соатдан сўнг опанинг ўзи кўнғирок қилиб қолди:

– Операцияда эдим, узр, телефонингизни ололмадим...

– Ҳечқиси йўқ! – унинг ишини билганим учун самимий жавоб қилдим. – Ўзим ҳам шундай деб ўйладим. Қалай, чарчаб қолмадингизми?

– Чарчашга-ку чарчамадим... Фақат кайфиятим бузилди... Ёшгина келинчакни операция қилдик... – опа оғир хўрсинди. – Биринчи хомиласи экан...

– Худонинг айтгани-да... – бу хабардан менинг ҳам кўнғим гаш торган бўлса-да, Манзура опага таскин бердим. – Бўлар иш бўлибди... Яхши даволанса, яна хомилалар бўлади... фарзанд кўради...

– Э-э, ҳамма гап шунда-да! – опанинг овозидан асабийлашаётгани сезилиб турарди. – Энди фарзанд кўролмайдими бечора... Бир хафтадан буён белида оғриқ бор экан. «Хомилалорликда шу-

Чиндан ҳам соғлигимизга жуда эътиборсизми.

– Э-э, бу гапларни қўяйлик, ўзингизда нима гаплар? – опа биров чалғиш учунми, суҳбат мавзусини ўзгартириб юборди.

– Доимгидек – кўрик-да!.. Вақти келиб қолибди... – хазингина кулдим. – Шифохонага борсаму, йўқ бўлсангиз деб олдин кўнғироклашай дегандим...

– Яхши қилибсиз! Сиз индинга келинг, барибир ўзингиз кўриқдан ўтмасангиз бўлмайди.

Опа билан хайрлашгач, гўшақни қўйдиму яна хаёлим ўша келинчакка кетди. Бечора, энди ҳаёти қандай кечади?!

Эртаси кунни кўриқдан ўтиб бўлгач, кечаги келинчак ҳақида гап очилиб қолди.

– Эри уч-тўрт йил Россияда ишлаган. Бўйдоқ йигит нопок аёллар билан зино қилиб, тезда юзага чиқмайдиган касаллик, шамоллашни юктириб олган. Тўйдан сўнг бу касаллик келинчакка ўт-

Кечгача ноҳуш кайфият мени тарк этмади. Аксига олгандек, эртаси кунни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ноҳуш хабари юрагимга муз бўлиб кирди – коронавирус туфайли учинчи қурбон... Кейин тўртинчиси... Яна ўша тиббий билимсизлик...

Мутасаддилар шу балони даф этиш ҳаракатида. Қанча-қанча маблағ сарфланаяпти, фидойилар жон қойтаяпти, тиббий хавфсизлик чоралари кўрилаяпти, аҳоли сонияма-сония оғохлантирилаяпти. Касаллик белгилари ҳақида ҳам, ундан қандай ҳимояланиш ҳақида ҳам.

Аммо шунча тарғибот ишларига қарамай тиббий билими етишмаётган, ўз соғлиғига ўзи бефарқ айрим ҳамюртларимиз вазиятни янада чигаллаштириб юборётгани ҳаммани ташвишга солмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотига кўра касаллик асосан хориждан кайтган фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларида, улар билан муносабатга киришган кишиларда кузатишмоқда.

Масалан, 15 март кунни хориждан келган ҳамюртими 15 кишига касалликни юктирган. 27 март кунни Андижонда ка-

тез ёрдам орқали оғир аҳволда Тошкент вилояти юқумли касалликлар шифохонасига ётқизилган. Унга барча зарур муолажалар кўрсатилган.

31 март кунни беморга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Республика эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти клиникасига ўтказилган. Зудлик билан амалга оширилган лаборатория таҳлили унда коронавирус инфекцияси борлигини тасдиқлади.

40 ёшли бемор ушбу клиниканинг реанимация бўлимида сунъий нафас олиш аппаратида бўлган. Бироқ қатор мутахассисларнинг муолажаларига қарамай беморнинг аҳоли оғирлашган ҳамда юрак ва ўпка етишмовчилиги сабаб вафот этган...

Энг ёмони, касаллик аниқланган беморлардан тўрт нафари ким билан учрашганини сир сақлаган. Фақатгина улар билан мулоқотда бўлганларнинг ҳарорати кўтарилгангина шифокорлар бундан хабар тошган.

Туркия орқали умрага бориб келган аёл ва унинг турмуш ўртоғи Наманганга кайтгач, уйга меҳмон чақириб, эҳсон қилади. Ҳозир ана шу оилавий тадбир қатнашчиларидан 23 нафариди коронавирус инфекцияси аниқланиб, вилоят юқумли касалликлар шифохонасига ётқизилган. Улардан бир нафари – аёлнинг 72 ёшли онаси касаллик туфайли вафот этди.

Ижтимоий тармоқларда мазкур аёл онаси ўлими ва унинг яқинлари иштирокисиз дафн этилиши туфайли бир умр виждон азобида қолиб кетиши муқаррарлиги ва бошқа таъналарга қоришқ эътирозлар кўпайгандан-кўпайди. Бу энди бошқа масала. Бирок юракларни ларзага солган яна бир оғриқ бор – касалликка чалинганлар орасида икки ойлик чақалок – аёлнинг набираси ҳам бор! Яхшики, таҳлил чақалокнинг онасида инфекция йўқлигини кўрсатди.

Шу тадбирда катнашган кўшнингнинг икки боласи ҳам вирус юктириб олган экан. Улар 19 март кунни Наманган шаҳрида ўтказилган тўйла куёвжўра сифатида иштирок этади. Оқибатда тўй эгалари ва меҳмонлардан 13 нафарига вирус юқишига сабабчи бўлади.

Соғлиқни сақлаш вазири тўғри таъкидлади: «Бу – жиноят! Била туриб шунча одамга касаллик юктириш хиёнатдир».

Карантин пайти юзлаб одамларни тўйлаб, маросим ўтказиш ҳолатлари аниқланмоқда. Ахир буларнинг бари тиббий билимсизлик, ўзи ва атрофдагилар соғлиғига эътиборсизлик эмасми?!

Кеча ижтимоий тармоқда соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг яна бир хабари тарқади: профилактика чораларига оммавий равишда амал қилинаётгани туфайли юртимизда грипп, гепатит, овқатдан заҳарланиш каби касалликлар кескин камайибди. Демак, оддийгина гигиена қоидаларига фақат карантин даврида эмас, хар доим риоя қилсак, бундай касалликлар бизга асло илашмайди.

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Нур»



нака оғриқлар бўлиб туради. Ортиқча эътибор қилмасангиз, ўзи ўтиб кетади» деб қайнонаси шифокор кўригига юбормабди. Мана оқибати... Аёллик ички аъзоларини олиб ташлашга мажбур бўлди. Хуллас, энди у она бўлолмайди. Вой, ёшгина-я. Энди ўн тўққизга тўлаяпти...

Орага ноқулай жимлик чўқди. Опанинг ҳолатини кўз олдимга келтирдим. Шу тобда дам дастрўмоли билан пешонасидаги терларни артар, дам қўлидаги кўзойнагини ўйнаётган чиқар... Асабийлашса шунанга қилади.

Бироздан сўнг у гап бошлади:

– Бола ташлаган, чала туққан келин-жувонларни кўриб ҳам онага, ҳам нобуд бўлган болага ачинасан киши... Бу каби кўнғилсизликларнинг туб илдизи аҳолининг тиббий маданияти пастлигида. Мени маъзур тутингу, айримларнинг онгсизлигида ҳам!

Опанинг фикрларига қўшилдим.

ган. Қарабсизки, ҳеч қанча фурсат ўтмай пайдо бўлган хомиллага ўз таъсирини ўтказган... Мана оқибати. Бунинг устига, экологияни ўзингиз кўриб турибсиз, табиатга ёвузларча муносабатда бўлаётганимиз эвазига бизни бошлаб жазолаяпти. Аслида табиат эмас, биз ўзимиз ўзимизни жазолаяпмиз...

Опа бир муддат деразадан узокларга тикилиб қолди. Кейин яна менга юзланди:

– Барибир тиббий маданият ўнганмас экан, кўнғилсизлик билан ўралашиб юраверамиз. Орзу-хавас деб ёшгина кизимизни турмушга берамиз. Кейин унинг она бўлиши учун шаронт яратиш, яхши овқатлар едириш, вақтида дўхтир кўригидан ўтказиш ўрнига топган пулимизга бешиктўй учув латта-путталар оламиз, қудаларнинг орзу-хавасини ушлатириш учун югурамиз...

Опа яна анча гапирди, мен сассиз тингладим. Афсуски, у ҳақ эди.

саллиги аниқланган шахсдан ота-онасига коронавирус юққан. Ўз навбатида, унинг отаси 36 нафар ҳамқасбига бу инфекцияни юктирган. Ҳамқасбларидан бири эса 4 нафар қариндошига юктирган. Улар билан мулоқотда бўлганлардан 3 кишига ҳам касаллик ўтган. Яъни, бир одамдан 46 одамга коронавирус юққан. Занжир реакцияси!

Вазирлик хабарига кўра беморлар орасида касаллик аломатлари кўрина бошлаганда ҳам шифокорларга хабар бермаслик ҳолатлари мавжуд.

Тошкент шаҳридаги бемор турмуш ўртоғи билан Туркияга бориб келиб, 8 нафар оила аъзосига касаллик юктирган.

Яна бир бемор хорижда бўлганидан сўнг 7 нафар оила аъзосига касалликни юктирган. У билан мулоқотда бўлган 153 киши ҳам кузатувга олинди.

Чирчиқ шаҳрида яшовчи яна бир беморда 26 мартда касаллик бошланганига қарамай, 5 кун уйда ётган. 30 март кунни

ТУЗФУРУШ МАНҚУРТ

У яқинлари билан онасидан қолган, ўзи оиласи билан яшаётган кўп қаватли уйдаги иккала квартирани сотиб пулига биронта ҳовли олиш ҳақида маслаҳатлашди. Ўзларига тинч акалари, опаси ва синглиси жуда саз ўйлабсиз дея маъқуллашди. Мерос – биринчи қаватдаги бўш турган хонадонни бир неча йил аввал шаҳар ҳокимлигида бирга ишлаган, кейинчалик ош тузини қадоқлаш корхонасини очган тадбиркор сотиб олмоқчи бўлди.

Кўнгирик қилди. «Дадам билан бориб кўрайлик», – дейишди. Кечки пайт ишдан кейин Олимжон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ота-болани кўтиб олди. Шаҳар марказида, эскича андозада қурилган, кенг хоналарнинг шифти баланд хонадон бир пайтлар Марказий универсал магазиннинг директори бўлиб ишлаган Шарифнинг отасига ҳам маъқул тушди. Нарҳини келишиб олишди. Эртаси куни Шариф «Ака, пулнинг ярми нақд, қолганини бир ойга қолдирмай бераман» деди. Олимжон бирга ишлаган, укасидай бўлиб қолган йигитнинг лафзига ишонди. Нотариал идорада олди-сотди шартномасини имзолаб, хонадон калитини берди. Шариф уйни таъмирлади. Янги деразалар ўрнатди. Хотини Ойсара билан бирга тура бошлади.

Орадан бир ой ўтди. Олимжон уйнинг қарзини сўраб келганида уч-тўрт кунда ўзим элтиб бераман дея кўнглини хотиржам қилди. Олимжон қизларини турмушга узатган, ҳовли олиб, университетни битириб ишлаётган кенжа ўғлини уйлантирмоқчи эди.

Шаҳардаги сотиладиган ҳовлиларни бориб кўрди. Таниш йигитнинг уйига харидор бўлди. Унга Шарифдан олган 14 минг АҚШ долларини берди. Олди-сотдини қолган пулни тўлаганидан кейин расмийлаштиришга келишиб олишди. Бирок Шарифдан дарак йўқ эди. Кўнгиригига жавобан «Фирмаим касодала учради, қурилиши тугалланаётган кўп қаватли уйда улушим бор, олган захоти қарзимни узаман» деб тагин аравани қуруқ олиб қочди. Орадан яна бир ой ўтди. Ҳовлининг эгаси хонадонига кириб келди.

– Ака, сиздан кейинги харидорларни уй сотилган деб қайтараямман. Қолган пулни бериб уйни олсангиз олинг.

– Яна бироз сабр қилинг.

– Ортик кутолмайман.

– Бўпти, сизни бекор боғлаб қўйибман, харидорни қайтарманг.

Олимжон ичидан зил кетди. Олдиндан бериб қўйган пулни қайтариб олишга мажбур бўлди. Шариф эса турли баҳоналарни қалаштириб орадан бир йил ўтиб кетса-да, қолган 14 минг долларни бермай юрaverди. Олимжон опасига ёрилди. Муносиҳон оқизмай-томизмай акасига етказди.

– Эй ярамас-эй, шунча пайт алдаб юрибдимми? – деди Одилжон бўғилиб. – Тилхат ёздириб олганмикан?

– Ваъдасига ишонибди-да...

Одилжон келаси куни шаҳарда қарзини «тузлаб» қўйган тузфурушнинг деразасини чертди.

– Келинг, ака, – Шариф кўчага чиқди. – Уйга юринг.

– Шу ерда гаплашамиз. Укам Олимжонга қарзингизни қачон берасиз? – Узоғи билан бир хафтада ўзим учрайман.

– Бу ёқка юринг-чи, – Одилжон уни кўчанинг нариги юзидagi адвокатурага бошлади. Йўлакдаги столга ўтиргизиб, кўлига оқ қоғоз билан ручка берди. У «Мен, Шариф Сайрамов, Олим ака Иномжоновдан сотиб олган хонадоннинг берилмай қолган пули – 14 минг АҚШ долларини бир хафтада тўлайман» деб тилхат ёзиб, сана ва имзо қўйди. Одилжон тилхатни Олимжонга элтиб берди. Орадан ўн кунча ўтиб кўнгирик



қилди. Тузфуруш тагин алдабди, сотилган уйнинг қолган пулини бермабди.

Олимжонга синглиси кўнгирик қилди: «Шарифнинг отасининг уйини суриштириб билдим. Бориб айтايлик, йўлга солар». Отаси ўзини гўлликка солди. «Ҳалиям бермабдими? Тўлаб кўяди», – дея ваъдани куюк қилиб кузатиб қўйди. Кейинги гал боришганда эса мен ҳеч нимани билмайман дея тўннини тесқари қийди. Ота-бола бир гўр, манқуртлик болага отасидан юккан экан.

Орадан беш йил ўтди. Шариф бир-икки мингдан бўлиб-бўлиб қарзини бериб турди. Майдалаб қайтарилган пулнинг баракаси учди. Олимжон ҳовли ололмади. Ўғлини уйлантираётганида Шариф қарзининг яна бир қисмини берди. Бундан ташқари Олимжон тўй харажатлари учун банкдан кредит олди. Нихот тўйидан сўнг Шарифдан қарзининг қолганини беришни талаб қилди. У яна пайсалга солди. Олимжон кўксидagi огрикка чидай олмай шифокорга учради. Дастлабки таҳлилларни кўздан кечирган врач онкология шифохонасида даволанишни маслаҳат берди. Шифохонада ўпкасида ўсимта борлигини аниқлашди. Саратон касалини даволаш учун кимё терапиясини қўллашди. Даволашни уйда давом эттиришди. Дори-дармон фалон пул. Шариф қолган қарзини яқин орада тўлаши дарғумон эди. «Фуқаролик судига ариза бериш керак», – деди Олимжонга

акаси Одилжон.

Кундан кунга ҳолсизланиб бораётган Олимжон акаси билан фуқаролик судининг иккинчи қаватига аранг кўтарилди. Судда Шариф 2300 доллар қарзи қолганини тан олди-ю...

– У пайтда долларнинг сўмга нисбатан қиймати икки баробар паст эди, – деди безарайиб иймонини пуллаб юборган манқурт.

– Нимага ўшанда ўн тўрт мингги ўша қийматда тўламадинг? Бир ойда қилиб бераман деб беш йил алдаб келган ким! – Олимжон унга тикилди. У қўзини олиб қочди.

– Ака ростўй, инсофли экан, – деди ёш судья. – Даъво аризасига тилхатдаги ўн тўрт минг қарзингизни ёзиб берганида нима қилардингиз?

– Қарзимни тўлаб бераман, – деди Шариф.

Орадан йигирма кун ўтиб кучга кирган суд қарори МИБнинг шаҳар бўлимига келиб тушди. Бирок... Бир ойга етмай тонг шаҳарда Олимжон оламдан ўтди. Таъзияга келган, ҳамдард бўлиб бевақт вафотининг сабабини сўраганларга Одилжон «Тангри берган умри шу экан-да» деди. Шариф қорасини кўрсатмади. Рўбарў келганида соғ қўймасди.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Нуқуқ»

БИЛИБ БОСИЛГАН ТИКАН

Хайридин (исмлар ўзгартирилган) оилали, муқаддам судланиб, жазосини олган. Аммо бундан ҳулоса қилмай яна жиноятга қўл урди.

Бир куни у хўроз уриштиришга Тожикистонга борди. Ўша ерда Ганишер деган киши билан танишиб қолди.

Хайридин анчадан бери наркотик модда истеъмол қилиб келади. Ганишер суҳбат пайти бунни билиб қолганди. Ўша куни улар телефон рақамларини алмашишди. Ганишер ўз ишига пухта, «Хайридиннинг ўзи наркотик модда истеъмол қилади. Сотиб бер десам рад этмас, ўзи ҳам бировдан олади-ку, бунинг танишлари кўп, сотиб бера олади» деб ўйлади.

Орадан анча вақт ўтиб, Хайридинга кўнгирик қилди, хол-аҳвол сўрагандан кейин муддаога ўтди. «Мен яқинда Равотхўжа ариғининг яқинига 500 грамм опий кўмиб келдим. Шунини олиб, сотишда ёрдам қилинг. Ҳаммаси 1000 доллар бўлади. Агар сотолмасангиз, қайтариб олиб кетаман», – деди.

Хайридин ҳеч иккиланмади. Қилаётган иши жиноят эканини англаган ҳолда нафсига эргашди. «Ўзимга-ям бўлади, сотиб пул ҳам қиламан» деб ўйлади ичиди.

У қўлга киритган опийдан бир қисмини танишлар билан бирга истеъмол қилди. 200 граммни қўшни кишлоқлик бир танишига анча пулга сотди.

Унинг қилмишидан хабар топган орган ходимлари ишга киришди. Холислар иштирокида Хайридиннинг уйи тинтув қилинди. Уйда бир дона целлофан бўлагига ўралган 86,74 грамм опий, истеъмол қилиш учун мўлжалланган бигиз ва сим бўлақлари, бир дона электрон тарози борлиги аниқланиб, холислар иштирокида хужжатлаштириб олинди.

Судда Хайридин айбига иқдор бўлиб, бир ярим йилдан бери хар куни 5 грамм наркотик моддани иккига бўлиб истеъмол қилишини, уйдан чиққан опийни ҳам ўзи учун сақлаб келаятганини билдирди.

Худди шунингдек, Жаббор ҳам тақиқланган гиёҳвандлик воситаси ва «Трамадол» дорисини уйда сақлаб келган.

Унинг турмуш ўртоғи оғир дардга чалинди. Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг

Самарқанд филиали шифокорлари унга «Трамадол» дорисини тавсия қилган ва имтёзли рецетт асосида даволаниш учун 0,05 мг/ли 60 дона дорини берган эди. Жаббор хотинининг вафотидан кейин қолган ампуллаларни топширди, лекин 20 та таблеткани ўз истеъмоли учун олиб қолди.

ИИБ ходимлари холислар иштирокида Жабборнинг уйини кўздан кечиришга келишди. Жаббор уйда тақиқланган дори борлигини айтди, лекин топиб беролмади. Шундан кейин тинтув ўтказилиб, Жабборнинг ётоқхонасидан 16 та «Трамадол» таблеткаси ва 0,05 грамм героин топилиди.

Суд мажлисида Жаббор ҳам айбига иқдор бўлиб, гиёҳвандлик воситаларини сотиш нияти бўлмаганини, ўзи учун сақлаб келганини, унга нисбатан қонуний енгиллик берилишини сўради.

Суд ҳукми билан Хайридин 7 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Жабборга 5 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Шухрат ХОЛМИРЗАЕВ,
Урғут тумани прокурори

Устюртдаги «Шимолий Бердақ» қонида табиий газ олинадиган янги қудуқ очилди.

«ОПА ПУЛНИ ҲАММАДАН ҲАМ ОЛАВЕРМАЙДИ...»

Улар 2017 йилнинг кузида танишишган эди. Онаси тез-тез бетон бўлавергач, Замира (исм-фамилиялар ўзгартирилган) дугоналаридан туман марказида бир аёл яшаши, кимга дуо қилиб берса, дарди ариб кетаётганини эшитди-ю, сўраб-суриштириб топиб борди.

Чиндан ҳам онаси уникига бир-икки боргач, тезда соғайиб кетди. Шунданми, Замира ўша Барно опага астойдил ихлос қўйди. Бот-бот уни йўқлайдиган бўлди.

2019 йилнинг ёзида у тумандаги тиббиёт коллежидида сиртки бўлим очилиши ҳақида эшитиб, ҳаракатга тушиб қолди. Ўқиб дипломли бўлиб олса ёмонми?!

Шу ниятда коллежга бориб, ходимлардан қабул ҳақида аниқ маълумот олиш ҳаёли билан юрган кезлари бозорда Барно опасини кўриб, қувониб кетди. Улар ҳол-аҳвол сўрашгач, Замира Барнога хушмад қилди:

– Опа, Хизрни йўқласам бўлар экан. Шу кунларда уйингизга ўтмоқчи бўлиб юргандим...

Барно танишининг бир иши борлигини сезиб, уни четроққа етаклади:

– Тинчликми?..

– Ҳа, тинчлик... – қулди Замира. – Коллежларингизда сиртки бўлим очилган эмиш-ку? Ўқимокчи эдим, киришимга ёрдам бероласизми? Синглим ва бир дугонам ҳам бор...

Барно коллежда иш юритувчи бўлиб ишласа-да, ўқишга қабул қилиш борасида ҳеч қандай ваколати йўқ эди. Бироқ нафс курсин, тайёр «ўлжа» оёғи остидан чиқиб турганида уни бегона қилгиси келмади.

– Ўқишга киритиш муаммо эмас, директор опа билан жуда яқинман, – деди у сирли қилиб. – Фақат бунақа ишлар ўзидан битмайди-да, буни биласизми?

– Биладан, опа, биладан, – деди Замира ҳам овозини пасайтириб. – Шунинг учун олдингизга бормоқчи эдим. Пулга иш битирадиганлар дуч келгандан олавермаса... Танишинг бўлмаса бунақа ишлар битмаса...

– Шунақа... – уни маъқулади Барно. – Опа пулни ҳаммадан ҳам олавермайди.

У атрофга олазарак қараркан, Замиранинг қулоғига шивирлади:

– Бир кишига 300 доллардан бўлаётган эди, шунга қараб тайёрланиб тураверинг, қабул бошланиши билан ўзим хабар бераман.

Замира шундан кейин бир неча марта кўнгирик қилиб, янгиллик бор-йўқлигини сўради. Ҳатто сабри чидамай коллежга ҳам борди.

– Очилса ўзим хабар қиламан, синглим... – уни қулиб қарши олди Барно. – Сиз пулни тайёрлаб тураверинг дедим-ку?

– Майли-ю, синглимининг сал қўли калтарок... Сиз айтган пулни беролмайди шекилли. Шу... хар биримиз учун 250 дан 750 доллар берсак бўлмайди?

– Ие, бу нима гап энди?! Пулнинг ҳаммасини директор опанинг ўзига бераман... – бу гапдан бироз ранжиди Бар-

но. Ишласангиз харажатиңизни дарров чиқариб олсиз, пулингизга қуймайсиз!..

– Биладан! – уни маъқулади Замира. – Аммо бизнинг шароитимизни ҳам тушунинг, опа. Бу пулни отам беради. Бирданига иккита қизга шунча пулни беришинг ўзи бўлмаслигини биласиз-ку?!

– Майли, отангизнинг умри зиёда бўлсин, – ниҳоят ўзича рози бўлган бўлди Барно. – Директор опага сизларни турмуш ўртоғимнинг жиянлари деб айтиб, «ставка»ни тушириб беришини илтимос қиламан. Кўнар...

– Раҳмат, опа! – қувонганидан Барнони кучоқлади Замира. – Бу ёрдамингизни

қаранг, кўрганлар нима дейди?! – Барно шошилиб у узатган целлофанни олди-ю, қовоқ уйғанича сумкасига жойлаб қўйди. – Бунақа ишлар ошқора қилинмайди, сингил!

Замира Барнонинг бирдан ўзгариб қолганини кўриб, хавотири ортди:

– Вой, опа, билмабман, кечиринг! Бошқа қайтарилмайди.

– Буни олиб келишни билган, ичига пулни ҳам солиб келмабсиз-да?! – писанда қилди Барно.

– Ҳаракат қилаямиз... – чайналди Замира. – Бирданига шунча пулни топиш...

– Одамлар пулни кимга беришни билмай, таниш қидириб югуриб юрибди, сизлар бўлса...

– Олиб келаман!..

Ўша кунги суҳбатдан кейин Зарифа Барнодан шубҳаланиб қолди: «Ишқилиб мени лақиллатаётган бўлмасин. Ўқишга киритиб қўйиш қўлидан келар-

лари яна ҳам ошди. Боз устига, синглиси билан бўлган суҳбат ҳам иккилантириб қўйди:

– Опа, нимага бунча шошилмасангиз? Танишингиз ишни ҳал қилоладими ишқилиб? Яна алданиб қолмайлик... Қолаверса, мен сиз айтган пулни тополмадим...

Замира синглисининг уйдан чиқар экан, сўнгги – энг тўғри қарорга келди-ю, шахдам юриб кетди.

– Опа, қаердасиз?

Барно Замиранинг кўнгиригидан бироз хавотирланган бўлса-да, дам ўтмай қўлига тегиши муқаррар пулдан кечгиси келмади:

– Бугун ишда эмасдим, уйдаман...

– Унда бир соатларга қолмай бораман.

– Яхши, кутаман.

Замира келгач, у берган 750 АҚШ долларини чўнтагига жойлади. Бироқ негидир юраги гаш эди. Бу бежиз эмас



яхши кунларингизда қайтарай, илоҳим!

– Айтганча... – муҳим гап ёдига тушгандек Замирага ўтирилди Барно. – Анави дугонангиз ишончлими ишқилиб?! Яна яхшилик қиламан деб бир балога йўлиқиб ўтирмай.

– Унга менга ишонгандек ишонаверинг, опа! – таскин берди Замира. – Унга ўқишга кириши муҳим, бошқа нарса билан иши йўқ. Ҳатто сизни танимайди ҳам!

– Унда ҳужжатларни тезроқ тайёрланг. Қабул бошлангани билан кириш истагидигилар аллақачон ҳаммасини ҳал қилиб қўйишди. Яна ўринлар тўлиб қолмасин...

Бир-икки кундан кейин Замира айтилган ҳужжатларни тайёрлаб, Барнонинг ёнига борди.

– Мана, опа! Айтилган ҳужжатларни олиб келдим!

– Вой, катта кўчада, ҳамманинг кўз олдига буларни менга бераётганиңизни

микан? Шунча пулни бериб қўйиб, кейин ортидан ололмай югуриб юрмасмиканман?».

Аксига олиб, Барно бир неча марта Замиранинг кўнгириқларига жавоб бермади. Кейинроқ эса ўзи телефон қилиб, учрашмоқчи эканини билдирди.

– Сингил, жуда галати экансиз! Телефонда ҳамма гап ҳам гаплашилавермайди. Эшитиб турган бўлишлари мумкин. Дарвоқе, пул масаласи ҳал бўлдимми?

– Ҳа, бўлди ҳисоб...

– Унда бундай қиламиз! – Барнонинг юзига табассум югурди. – Мен эртага керакли одамлар билан гаплашиб кўраман. Агар сиз айтгандек фармацевтика очилдиган бўлса, сизга телефонда «Фаргонага бориб келадиган бўлдик» дейман. Сиз шунга қараб тушуниб олаверасиз, келишдикми?! Ҳа, энди, кўриб турибсиз-ку, ҳозир замон нозик. Эҳтиётингизни қилмасанг бўлмайди...

Барно шу тариха анча нарсаларни тушунтирди. Бундан Замиранинг шубҳа-

экан. Дам ўтмай дарвоза тақиллаб, фуқаролик кийимидаги бир неча киши ҳовлисига кириб келгач, нима бўлаётганини англади-ю, ҳозиргина олган 750 долларни яширишга улгурди...

У аввалига айбига иқрор бўлмай, ўзини минг қўйга солди. Бироқ гувоҳлар ва далиллар айбини исботлаб турганини кўргач, ноилж тан олди...

Суд Барно Шамсиеванинг мазкур жиноят иштини атрофлича ўрганиб, уни икки йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ҳамда ўрта-махсус касб-хунар таълими тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этди. Шунингдек, судланувчи базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик беш баробари миқдориди жарима тўлайдиган бўлди...

Сардорбек ТОШПУЛАТОВ,
департаментинг Поп тумани бўлими
суриштирувчиси

Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари сафига қўшилиш учун туб ўзгаришларни амалга ошираётган бугунги кунда миллий қонунчилик тизимини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш энг муҳим вазифалардан биридир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаати ва 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ижроси юзасидан масъул вазирлик ва идоралар томонидан прописка тизимини ислоҳ қилишга доир қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.



ПРОПИСКА

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ»МИ ЁКИ «РЎЙХАТДАН ЎТИШ»?

Мазкур лойиҳаларнинг халқ муҳокамасига қўйилиши қувонарли ҳол, албатта. Бунини мамлакатимизнинг демократия сари қўйилган энг муҳим қадами сифатида баҳолаш лозим. Чунки мазкур тартиб кўплаб эътирозларга сабаб бўлиб келаётган эди.

Прописка тизимини ислоҳ қилишга доир қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиши айни мудоао бўлди. Бунини мамлакатимиз ривожига тўқсизлик қилаётган жиддий бюрократик тизимнинг беқор қилиниши сифатида баҳоламоқ керак.

Мазкур лойиҳаларда фуқароларимиз манфаати йўлида бир қанча янгиликлар кўзда тутилган. Жумладан, «прописка» тушунчаси ўрнига халқаро тажрибага асосланган ҳолда «рўйхатдан ўтказиш» тушунчаси киритилмоқда. Чунки «прописка» сўзи СССРда жорий қилинган термин бўлиб, ҳозирги кунда собиқ Со-

вет иттифокига кирган барча давлатлар ушбу сўздан воз кечган.

«Прописка» сўзи русча «прописать» сўзидан олинган бўлиб, «қайд қилмоқ, рўйхатдан ўтказмоқ» маъноларини англатади. Бундан ташқари, ушбу термин фуқаролар оғида «тўқсизлик қилувчи», «бир жойга боғланган», «эркинликни чекловчи», «ажратувчи» деган тушунчаларни келтириб чиқармоқда.

Бизнинг назаримизда, мазкур терминнинг «рўйхатдан ўтказиш» тарзида берилиши ўзбек юридик тили талабларидан келиб чиққан ҳолда унчалик тўғрига ўхшамайди. Чунки «рўйхатдан ўтказиш» термини кимдир кимдир мажбурлаб, тазйик остида рўйхатдан ўтказишни англатади. Ўзбек адабий тилининг грамматик қоидалари асосида «рўйхатдан ўтказмоқ» терминини шарҳлайдиган бўлсак, «ўтказмоқ» феълидаги -каз қўшимчаси феълни

орттирма нисбати бўлиб, иш-ҳаракатни инсоннинг ўзи эмас, балки бошқа бир шахс орқали амалга оширишни англатади. Шунинг учун «рўйхатдан ўтказмоқ» терминини мажбурийлик маъноси ифодаланари.

Прописка тизимини ислоҳ қилишдан мақсад унинг мажбурийлигини йўқотиш, фуқароларнинг ўз хоҳиши асосида яшаш ҳуқуқини таъминлаш ҳисобланади. Шу боис, бизнингча, «прописка» сўзи «рўйхатдан ўтказиш» эмас, балки «рўйхатдан ўтиш» тарзида берилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки иккиси ўртасида юридик жиҳатдан маъно нозиклиги мавжуд. «Рўйхатдан ўтказиш»да фуқаро давлатдан рухсат сўрайди, у рухсат берсагина рўйхатдан ўтказилади. Шу маънода «рўйхатдан ўтказиш» прописка тизимига ўхшаш жараёни англатади. Шунинг учун юқоридаги терминни қонун лойиҳасида

«рўйхатдан ўтиш» (фиксация) тарзида ифодалаш керак. Чунки рўйхатдан ўтиш тизимида фуқаро яшаш жойи ўзгаргани тўғрисида давлат органларини шунчаки хабардор қилади. Дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида бу тизим шундай йўлга қўйилган.

Шунингдек, юқоридаги лойиҳаларда «рўйхатдан ўтиш» терминини қўллаган пайтда «прописка» ва «рўйхатдан ўтиш» терминларига батафсил изоҳ бериш зарур. Айниқса, бу икки тизимнинг бир бирдан фарқини фуқароларга содда ва раво тилда тушунтириш мақсадга мувофиқ. Токи уларда «ўша эски тизим сақланиб қолар экан, фақат номи ўзгарар экан» деган тасаввур уйғонмасин.

Шухрат КҲЧИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети
профессори, филология фанлари доктори

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

МАСТЛИК КАСОФАТИ

Ҳаётнинг оддий ҳақиқати – спиртли ичимликка ружу қўйган одамнинг рўзғоридан барака кўтарилади. Аксар оилавий қўйди-чиқдиларнинг сабаби ана шу иллатга бориб тақалади. Шаробхўрлик ҳам гиёҳвандлик каби кишини эс-ҳушидан айиради.

Куз кuni. Кечки соат бешларда Кўкон шаҳрида Яшовчи А.Ғ. оғайниси С.Б. билан ошхонада тамадди қилиб, ароқ ичиб чақчақлашиб ўтиришарди. Сўнг улар шаҳарнинг Алишер Навоий мавзесидаги «Дехкон бозори»га киришди. Ҳе йўқ, бе йўқ, кайфи тарок А.Ғ. бозор-Учар қилиб юрган У.И. билан гап талашиб қолди ва ҳақоратига яраша жавоб олди. Бундан ғазабланиб, қўлидаги қабоб сихи билан унинг кўкраги ва елкасига уриб, оғир жароҳат етказди. Айбдорнинг улфати, гувоҳ С.Б шеригини бир неча дақиқа кўздан қочирган, қайтиб келиб жанжаллашайётганларни ажратиб қўйган. Шифокорлар У.И.нинг ҳаётини асраб қолишди.

Суд мажлисида жабрланувчи У.И. ўзига етказилган зарарни қоплаган сулланувчи А.Ғ.га даъвоси йўқлигини таъкидлаб, унга қонуний енгиллик беришни сўради. Қилмишидан пушаймонлигини, илгари судланмаганини эътиборга олган суд А.Ғ.га озодликни чеклаш жазосини тайинлади. Унга бундан кейин ичкиликни бас қилиб, тузалиш йўлига ўтиш имкони берилди.

Ичкиликбозлик билан боғлиқ яна бир ҳолатни тилга олиш мумкин. Бола бошидан деб бежиз айтилмаган. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган, тарбия кўрмай улғайган, ёшлигидан ичкиликка ружу қўйган З.С. ота-онасини, яқинларини, ёши улугларни назар-писанд қилмай қўйган. 29 ёшга киргунча олти марта сулланган. 19 ёшда бировга оғир тан жароҳати етказганида ҳам унга тузалиши учун имкон берилган, 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Амнистия қўлланиб, қолган муддатни ўташдан озод этилган. Бирок З.С. яна жиноятга қўл ураверди. Безорилик, ўғирлик, талончилик қилиб сулланди. Кейин бировнинг жонига зомин бўлиб, узоқ муддатга қамалди. Ўталмай қолган жазо муддати ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Кузда кечки соат етти яримларда З.С. танишлари Х.Р. ва Ж.А. билан улфати М.М.нинг машинасида сайр қилиб юриб, кабохонага йўл олишди. Йўл-йўлаккай М.М. ўртоғининг уйига бурилди. Ўртоғи «Чорсу» тўйхонасида экан. Тўйхонадан чиқиб келаётганида


машинани тўхташиб, унинг ёнига тушиб боришди. З.С. гўё менсимасдан бепсанд сўрашгани кайфи тарок У.М.нинг нафсониятига тегади. Иккаласи бир-бирига қўполлик қилишди. У.М. «Муомалангни тўғрилаб олгин, э сени ўша...» дея чўнтагидан пичоғини чиқаради. Х.Р. ўртага тушиб уларни ажратади. У.М.ни ҳовуридан тушириб яраштириб қўйиш учун нарироқда турган З.С.ни чақиради. З.С. уларнинг олдига келиб, енгилдаги пичоғини У.М.нинг ўнг биқинига санчиб олади. Биқинини чаггаллаган У.М.ни М.М.нинг машинасида касалхонага олиб боришади. Жарроҳлар унинг жонига ора киришади.

– Қўполлик қилгани учун тортишиб кетдик, – деди судда жабрланувчи У.М. – Жаҳлим чиқди. Уят сўзлар билан ҳақорат қилдим. Х.Р. яраштираётганида З.С. биқинимга пичок санчди. Ўзимдан ўтди, унга даъвом йўқ. Қонуний енгиллик беришингизни сўрайман.

Суд ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаб бўлмасдан такроран жиноят содир этган З.С.га ҳукмини ўқиди. Хавфли рецидивист озодликдан махрум этиш жазосини қаттиқ тартибли колонияда ўтайдиган бўлди.

Зуфаржон КЕНЖАЕВ,
Кўкон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

Марказий банкдан хабар беришларича, Республика махсус комиссияси тавсиясига кўра аҳолига иш ҳақи ва пенсия тўловлари банк карталари орқали амалга оширилади.



МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУАММОЛАРИ

Ҳозирги замонда деярли барча мамлакатларда давлат ва жамият механизмларининг бир маромда ишлашига тўққинлик қилаётган, иқтисодийнинг ўсиши ҳамда ислохотларни амалга оширишни қийинлаштираётган муаммо коррупциядир. Коррупцияга қарши курашиш механизмларининг ҳал қилувчи асосларидан бири давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви институтининг пайдо бўлиши ва унинг қонуний мустаҳкамланишидир.

2017 йил 4 январдан кучга кирган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида «Манфаатлар тўқнашуви» тушунчасига изоҳ берилган, яъни манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятдир.

Давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви назарий ва амалий жиҳатидан мураккаб муаммодир. Манфаатлар тўқнашуви ҳуқуқ фанида ҳали кам тадқиқ қилинган. Ҳозирги вақтда давлат хизматчисини манфаатлар тўқнашувида олиб келадиган шахсий манфаатдорликни чеклаш (рад этиш) тартиби тўла ишлаб чиқилмаган, шунингдек давлат хизматчиларини манфаатлар тўқнашувида ўзини қандай тутишга ўргатиш тизими ҳали талаб даражасида йўлга қўйилмаган.

Криминология фани назариясида давлат хизматида манфаатлар тўқнашувини вужудга келтирадиган сабаблар етарлича ўрганилмаган, уни келтириб чиқариши мумкин

бўлган типик вазиятларнинг рўйхати ва хавфлилик даражаси аниқланмаган, манфаатлар тўқнашувини бартараф этишга қаратилган аниқ концептуал усуллар ва уларни жорий этиш тартиби тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Давлат органлари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви: давлат хизмати ходимларининг ваколатлари аниқ ва тўла таърифланмагани; давлат органлари ваколатларининг ўхшашлиги, шунингдек уларнинг фаолиятида аҳоли етарлича хабардор эмаслиги; ҳокимият органларининг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида коррупциявий нормалар мавжудлиги; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўққинлик қиладиган ҳуқуқий бўшлиқлар, қарама-қаршиликларнинг тўлиқ бартараф этилмагани; ҳокимиятнинг бошқа давлат органлари ишига аралашishi; мансаб мажбуриятларини бажармаслик учун жавобгарликнинг аниқ белгиланмагани; давлат хизматчиларининг вазифасини бажариши устидан етарли назорат ўрнатилмагани ёки унинг сустлиги; хизматчиларнинг касбий фаолиятига ноқонуний аралашидан етарлича ҳимоя қилинмагани оқибатида юзага келиши мумкин.

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг



21-моддасида «Давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувида олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашунинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт. Давлат органларининг махсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя эти-

лиши юзасидан мониторинг-назорат амалга оширади. Давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади» деб белгиланган.

Демак, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида унинг юзага келиши ва ривожланиш босқичларини барвақт аниқлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Бундай вазиятни давлат органи хизматчисининг уни ҳуқуқбузарлик содир этишга кўндиришга уринишгани ҳақидаги аризасини, хизматчининг даромадлари, мулклари ва мулкий мажбуриятларига оид маълумотларни, шунингдек жисмоний ва

юридик шахсларнинг мурожаатларини, оммавий ахборот воситалари ва интернетда ёритилган ахборотларни таҳлил қилиш орқали аниқлашга қаратилган амалий ва методологик тавсиялар ишлаб чиқиш мақсада мувофиқ.

Шу билан бирга аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига синдириш ҳар бир давлат органи ходимининг ҳаётини қонидасига айланиши зарур.

Шухрат АБАКУЛОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
МИБ бўлим бошлиғи


БИРОВНИНГ МАШИНАСИНИ СОТИБ ЮБОРДИ

Фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг ижро ҳужжатида асосан «Халқ банк»нинг Мирзачўл туман филиалига кредит қарзини ундириш учун гаровга қўйилган, фуқаро Ж.Маматқодировга тегишли «Собал» автомашинасини аукционга чиқариш белгиланган.

Бироқ Ф.Эргашев бунга била туриб, ўзига ишониб топшириб қўйилган автомашинани қонунга ҳилоф равишда Қ.Х.га 42 млн. 720 минг сўмга сотиб юборган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2020 йил 1 апрель куни Мажбурий ижро бюросининг Шароф Рашидов тумани бўлими томонидан Ф.Эргашевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ж.КЕНЖАЕВ,
МИБ Жиззах вилояти бошқармаси катта сурштирувчиси



ЗАРАР ҚОПЛАНДИ

Мажбурий ижро бюросининг Асака тумани бўлими ходимлари ўтказган назорат тадбирида тумандаги нон ишлаб чиқарувчи оилавий корхона раҳбари Х.К. табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан улашиб, газдан ноқонуний фойдаланиб келаётгани аниқланди. Шу орқали у таъминотчи корхонага 6 млн. 557 минг 760 сўм зарар етказган.

Мазкур ҳолат юзасидан корхона раҳбари Х.К. етказилган зарарни тўлиқ қоплагани сабабли Жиноят процессуал кодексига асосан жавобгарликдан озод этилди.

Ҳотамжон ФАХРИДИНОВ,
МИБ Андижон вилояти бошқармаси катта инспектори

БАХТСИЗ ҲОДИСА УЧУН УНДИРУВ

Мажбурий ижро бюросининг Нишон тумани бўлими суд ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Фуқаро Ж.Х. «Надимстройгаздобича» МЧЖда ишлаб келиб, 2019 йилнинг октябр ойида иш жараёнида бахтсиз ҳодиса туфайли тепаликдан тушиб кетиб ноғирон бўлиб қолди. Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди жамиятдан фуқарога моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақида ижро варақасини чиқарди.

Бюро томонидан жамиятдан фуқарога жами 29 млн. 311 минг 925 сўм ундириб берилди. Шундан 20 млн. 691 минг сўми бирийўла тўланадиган нафақа пули ҳисобланади.

Бундан ташқари, жамиятга 2020 йилнинг 1 ноябрга қадар давъоварга ойма-ой нафақа тўлаб бориш мажбурияти юкланган.

Ғайрат АЛИҚУЛОВ,
МИБ Нишон тумани бўлими бошлиғи

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Музаффар Жамилов табаррук 60 ёшни қарши олмақда.

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Бухоро вилояти прокуратураси органлари тизимида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга маъсулият билан ёндашди.

Музаффар Жамиловнинг хизмат фаолияти давомида олижаноб халқимизнинг ҳақиқий Ҳимоячиси, адолат ва қонунийлик посбони сифатида ёш мутахассисларга, ҳамкасбларига берган ҳаётини ҳамда амалий тажрибаларини бутун барча шогирдлари бирдек эътироф этади.

М.Жамиловнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолаб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Хурматли Музаффар Мустафақулович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сихат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази



MUNOSABAT

АНИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 30 декабрь куни «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга имзо чеқди. Ушбу қонун билан Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланди ва 2020 йил 1 январдан кучга кирди.

Солиқ кодекси 21 бўлим, 71 та боб, 480 та моддадан иборат. Сўнгги йилларда солиқ юки камайрилиб, солиқ тўловчилар учун хизмат кўрсатиш сифати ортиб бормоқда. Давлат органлари энди инсофли тadbirkorларнинг ишончли ҳамкори, яқин маслаҳатчиси, ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоячисига айланади. Чунки кодекснинг 9 моддасида солиқ органлари солиқ тўловчилар билан ҳамкорлик қилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Янги кодекс билан ягона ижтимоий тўлов ўрнига ижтимоий солиқ, ягона солиқ тўлови ўрнига айланмадан солиқ, қатъий белгиланган солиқ ўрнига жисмоний шахсларнинг даромадларига, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда илгари берилган имтиёз ва солиқни ҳисоблаш хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда, қатъий белгиланган миқдорда солиқ жорий этилади.

Бундан ташқари, солиқ органларининг солиқ тўловчининг қарзини ундиришни унинг дебиторидан олинмадан суммага қаратиш ҳуқуқи бекор қилинди.

Энг муҳим жиҳатлардан яна бири тadbirkorлик субъектларида текширув ўтказиш тартибидида ўзгариш бўлди. Хусусан, солиқ органларига риск-таҳлил асосида камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудитини тайинлаш

ҳуқуқини берадиган янги тартиб назарда тутилган. Солиқ текширувлари фақат Солиқ кодексига назарда тутилган ва уларни ўтказиш тартибини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин ўтказилиши белгиланди.

Ҳар бир соҳада илғор халқаро тажрибаларни қўллаш муваффақият қилиб хизмат қилмоқда. Солиқ назоратининг шакли 13 тадан 3 тага қисқартирилиб, таҳлика-таҳлил дастури асосида солиқ текширувлари ташкиллаштирилди. У инсон омилидан бутунлай холи бўлади. Таҳлика-таҳлил дастури орқали фаолият кўрсатган барча хўжалик юритувчи субъектлар муайян мезонлар асосида, хавфлилик даражасига тақсимланган бўлиб, инсон омилсиз, автоматлаштирилган ҳолда 3 та сегментга, худди светофор чирокларидай яшил, сариқ, қизил йўлакка ажратилади.

Унга биноан хавфлилик даражаси паст бўлган, яъни яшил йўлакдаги корхоналарда ҳеч қачон солиқ текшируви ўтказилмайди. Уларга энг юқори даражада солиқ хизматлари кўрсатилади.

Сариқ йўлак – тўғри ҳаракатдан нотўғри ҳаракатга бўлган масофа. Демак, унга хато ва камчиликлари бор корхоналар жойлаштирилади. Уларнинг хавфлилик даражаси ўртacha

бўлгани учун фақат камерал солиқ текшируви ўтказиш билан чекланади. Хато ва камчиликларини тузатиш имкони берилди. Лекин уларга молиявий ва маъмурий жарима қўлланмайди.

Қизил йўлакда солиқ тўлашдан мунтазам бўйин товланган, бухгалтерия ҳужжатларини ва ҳисобварақ-фактураларни сохталаштирган хўжалик юритувчи субъектлар бўлади. Бундай корхоналарда солиқ аудити ўтказилади. Ўз-ўзидан аниқки, бундай корхоналар доимий назоратда бўлади.

Солиқ кодекси текширувларнинг қуйидаги турларини назарда тутди:

а) камерал солиқ текшируви (солиқ тўловчининг ҳисоботини солиқ органида ўрганиш ва уни бошқона органлари, банклар, энергетика корхоналари, кадастр ва бошқаларнинг маълумотлари билан солиштириш), унинг натижасида солиқ тўловчи ҳисоботига тузатиш киритишни ёки асослангирлан сабабларни кўрсатиши керак. Камерал солиқ текширувини ўтказиш учун солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) буйруғи бўлиши шарт.

Шу билан бирга, камерал солиқ текшируви доирасида солиқ органининг мансабдор шахсига солиқ тўловчидан маълум бир солиқни ҳисоблашнинг тўғриликни тасдиқлаш учун зарур ҳуж-

жатларни талаб қилиш ҳуқуқи берилди. Камерал солиқ текшируви натижаси бўйича молиявий санкциялар қўлланмайди, лекин пеня ҳисоблашни мумкин;

б) сайёр солиқ текшируви (солиқ тўловчининг айрим кўрсаткичларини жойига чиққан ҳолда ўрганиш), унинг мақсади фақатларни қайд этишдан иборат. Сайёр солиқ текшируви солиқ ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш ва бошқа мажбуриятлар бажарилиши юзасидан маълумот тўплаш учун ўтказилади. Сайёр солиқ текширув натижаси бўйича қўшимча солиқлар ҳисобланмайди;

в) солиқ аудити – катта ҳажмдаги оборотларда юқори даражада рискка эга бўлган солиқ тўловчи томонидан солиқ қонунларига риоя этилишини ҳар томонлама ўрганиш. Солиқ аудити солиқ тўлашдан бўйин товланган хавфини таҳлил қилиш асосида танланган солиқ тўловчиларда ўтказилади. Солиқ аудити натижасига қўра қўшимча солиқлар ҳисоблашни ва молиявий санкциялар қўллангани мумкин. 2022 йил 1 январгача давлат солиқ хизмати органлари солиқ аудити тайинлангани тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Тadbirkorлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилади.

Алишер БАИРОВ,
департаментнинг Андижон вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

АВВАЛ ҲАДДИДАН ОШДИ, СЎНГ ДЕВОРДАН

...Дўппи тор келганини англаган заҳоти ҳовлиси деворига тирмашди. Кинолардаги каскадёрлардай девор ошиб қочди. Яна девор ошиб, қурилиш корхонаси ҳовлиси бўйлаб қочди. Сўнг симтўрли панжарага тирмашди. Бироқ ҳовлиқанидан йиқилиб, жароҳат олди. Ортидан таъқиб қилаётганлар келиб, уни қўлга олишди...

Жиноят ишлари бўйича Қарши тумани суди томонидан ўтказилган сайёр суд мажлисида Шермат Фозилонинг (исм-фамилиялар ўзгартirilган) жиноятига қонуний баҳо берилди. Қайд этилишича, судланувчи 1978 йилда туғилган, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз. Омилла, учта фарзанди бор. Муқаддам судланиб, 10 йилга қамалган ва амнистия шарофати билан жазодан озод этилган. Кейинги гал қилган жинояти учун эса 9 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси берилган. Жазонинг бир қисмини ўтагач,

суд ажримига қўра муддатидан олдин озод этилган. Аммо Шерматта бу сабоқ бўлмади. Яна жиноятга қўл урди...

2019 йил март ойи охирида томорқасига наша эқди. Уйдагилари унинг гуллар орасида оғу етиштиратганидан беҳабар эди. Ҳосил пишиб этилгач, ўсимликнинг барглари тери олиб, қуритди. Сўнг ҳаммом деворига илиб қўйди.

Уша куни уй ишлари билан банд бўлиб юрганида дарвозадан қаққириб келганлар ҳужжат кўрсатиб, ички ишлар идорасидан эканлигини айтишди. Гап

нимада эканини фаҳмлаган Шермат жуфтани ростлади. Югуриб бориб деворга тирмашди...

Унинг хонадонидан топилган етти туп наркотик ўсимлигининг оғирлиги 81 грамм чиқди. Бундан ташқари, унинг ҳаммомда 8,8 грамм марихуана ҳам сақлаб қолётгани аниқланиб, ҳужжатлаштириб олинди.

Суд ҳукмига қўра унга 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Ҳа, девор ошиб қочқининг машқини олган Шермат Фозилон қонун деворлари мустақамлигини нурутган кўринади...

Алишер ЖАБОРОВ,
Қарши тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMU'UDINOV
Utkirjon DEKKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT
MANZILI:

**Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85**



www.huquq.uz



info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. **!** – tijorat materiali.

Buyurtma v-4126
20 000 nusxada bosildi.
Oqog' bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahilandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **U.DEKKANOV**
Sahilovchi: **S.BAJAJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.

Korxonani manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yl 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Бюронинг Навоий вилоят бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Рашид Қуранбаевга акаси

Рустам ҚУРБАНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан уларнинг она аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Бюронинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси жамоалари бошқарма бошлиғи Азамат Юлдашевга падари бузруквори

Ялғам Юлдашевнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

«Moody's» Коронавирус пандемиясининг таъсирига қарамай Ўзбекистон банк тизимини барқарор деб баҳолади.

16-APRIL 2020-Y.

HUQUQ N. 15

(1212)

11

Коронавирусни йўқ қилувчи дори 1975 йилда топилган(ми?)

Австралиялик олимлар тадқиқот ўтказиб, 48 соат мобайнида коронавирус кўпайишини деярли бутунлай йўқ қилиш қобилиятига эга препаратни аниқлашди. «Известия» нашри тарқатган хабарга кўра бу ерда 1975 йилда ишлаб чиқилган «Ивермектин» препарати ҳақида гап кетмоқда. Тадқиқот натижалари «Antiviral Research» нашрида эълон қилинган.

Австралиянинг Монаш шаҳри университети ва Мелбурн шаҳридаги қироллик шифохонаси мутахассислари ҳамкорликда «Covid-19»дан инфекцияланган хужайраларнинг ҳолатини таҳлил қилди ва хужайраларга «Ивермектин» препаратини йўналтиришди.

Препаратнинг битта дозаси туфайли вирусли РНК миқдори бир кундан кейин 93 фоиз, икки кундан кейин эса 99 фоиз камайиши маълум бўлган.

Тадқиқот ўтказилган вақтдан 48 соат ўтгач, «Ивермектин» таъсири хужайра-

лардаги вирусларни 5000 баравар камайтиргани қайд этилган.

Алоҳида таъкидланишича, тажриба давомида «Ивермектин» хужайраларга токсикологик таъсир кўрсатмаган, яъни уларни захарламаган.

Олимларнинг ишонишича, уларнинг тадқиқоти коронавирусга қарши ушбу препаратни қўллаш бўйича янги йўналишни бошлаб беради.

Шунингдек, уларнинг фикрига кўра «Ивермектин» препарати Covid-19 вируси кўпайишини чеклашга ёрдам беради, касаллик асоратлари ривожланишининг олдин олади ва инфекциянинг одамдан одамга юкишини чеклайди.

Препарат ҳақида маълумот: «Ивермектин» 1975 йили яратилган дори бўлиб, одам, қорамол, от ва қўйларни даволаш учун ишлатиб келинмоқда.

1997 йил март ойида инсондаги кучли паразитларни даволаш учун тасдиқланган. Шунингдек, препаратни ОИТС билан оғриган беморларда ҳамда иммунитетни заиф одамларда қўллаш тавсия қилинган.

Ветеринарияда «Ивермектин» ҳайвонларнинг эндо ва эктопаразит касалликларини даволашда ишлатилади.



Дрогба ўз шифохонасини берди

Лондоннинг «Челси» клубининг собиқ футболчиси, Кот-д'Ивуар фуқароси Дидье Дрогба ўзининг шахсий фондига тегишли шифохона биносини коронавирусга ташхис қўйиш учун ажратиб берди. Бу ҳақда «L'Equipe» нашри хабар тарқатган.

Собиқ футболчи ҳамда унинг мурабийи Лоран Поку номи билан аталадиган мазкур тиббий муассаса Абиджан шаҳрида жойлашган.

«Биз бу хайрияси учун Дрогбадан жуда миннатдормиз. Унинг ҳаракатини ватанпарварлик деб баҳолаш мумкин», – дея воқеага изоҳ берган шаҳар ҳокимияти вакиллари.

Сўнгги маълумотларга кўра Африка қитъасининг Кот-д'Ивуар давлатида 533 киши коронавирус билан касаллангани аниқланган, улардан 4 нафари ҳалок бўлган.



Амалдорларнинг иш ҳақи икки баравар қисқартирилади

Эквадор президенти Ленин Морено коронавирус пандемияси, нефть нархининг пасайиши ва бюджет тақчиллиги туфайли юзага келган инқироз туфайли мамлакат раҳбарияти ва амалдорларнинг маошини икки баравар қисқартиришга қарор қилди деб хабар бермоқда ТАСС агентлиги.

«Мен президент, вице-президент, вазирлар ва вазир ўринбосарларнинг ойлик иш ҳақини 50 фоиз камайтиришга қарор қилдим. Шунингдек, барча амалдорлар ва парламент аъзоларининг ҳам маоши камайтирилади», – деб ёзган у ўзининг «Twitter»даги саҳифасида.

Бироз аввалроқ Эквадор раҳбари мамлакатда бюджетдан ташқари маблағлар, яъни фуқаролик жамияти ва йирик бизнес вакилларининг мажбурий

бадаллари билан тўлдириладиган гуманитар ёрдам жамғармаси ташкил этилишини эълон қилган эди.

Хусусан, йилига 1 миллион доллардан кўпроқ даромад олган компаниялар уч ой ичида жамғармага даромадининг 5 фоизини бериши шарт. Бундан ташқари, даромади 500 доллардан кўпроқ бўлган фуқаролар тўққиз ой давомида жамғармага (ойига 2 доллар) бадал тўлаши керак.



Авиакомпания қанча пул йўқотмоқда?

Европадаги энг йирик авиакомпания бўлган «Lufthansa» коронавирус пандемияси туфайли қанча пул йўқотаётганини маълум қилди. Бош директор Карстен Спорнинг айтишича, компания ҳар соатда деярли бир миллион евро зарар кўраётти деб ёзмоқда «Rte.ie».

Спорнинг баёнотида кўра, коронавирус пандемияси даврида «Lufthansa» ташкил қилинганидан бери кузатилмаган энг катта муаммога дуч келди. Бутун дунёда миллионлаб одамлар ўз уйларида қолиб, парвозларни бекор қилди, оқибатда «авиация соҳаси тиз чўкишга мажбур бўлди».

Айни вақтда «Eurowings», SWISS, «Brussels Airlines» ҳамда «Austrian Airlines» каби компаниялар бошқарувини назорат қилувчи «Lufthansa» кунига уч мингдан камроқ йўловчи ташимокда, эпидемия бошлангунча ушбу рақам 350 мингга бўлган.

«Биз ҳафталар давомида ҳар куни соатига тахминан бир миллион евро пулни йўқотаёلمиз. Ушбу инқирозни давлат кўмагисиз енгиб ўтишимиз имконсиз», – деган «Lufthansa» бош директори компания ходимларига йўллаган видеомурожаатида.

Шунингдек, у авиакомпаниялар гуруҳини кутқариб қолиш учун улар фаолият юритаётган давлатлар ҳукумати ва-

киллари билан музокара ўтказилишини ҳам айтиди. Музокаралар Берн, Берлин, Брюссел ва Венада бўлиб ўтади.

«Lufthansa» раҳбари компания инқирозни енгиб ўтиш мақсадида тўрт миллиард евро сарфлаганини ҳам қайд этди. Бирок кейинчалик вазиятнинг ёмонлашуви оқибатида харажатларни қисқартириш бўйича кескин чоралар кўрилган. Жумладан, «Germanwings» арзон парвозлари бекор қилинган ва компания флотидagi 40 та самолётдан воз кечилган. Оқибатда етти мингдан зиёд одам ишсиз қолган. Уларнинг тақдирини борасида қасба уюшмалари бош котиromoқда.

2019 йилда «Lufthansa Group» компанияси Европадаги энг оммавий авиакомпания деб топилган. Ўтган йили «Lufthansa Group» таркибига кирувчи авиакомпаниялар миллиондан ортик рейсини амалга оширган ва самолётларнинг ўртacha юкмамаси 80 фоиздан ҳам кўпроқ эди.

Сайёҳларга роботлар хизмат кўрсатмоқда

АТОР агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, бундан мақсад коронавирус тарқалиши шароитида меҳмонлар орасида мулоқотни янада камайтиришдир.

Covid-19 пандемияси шароитида сдунёнинг барча меҳмонхоналари эгалари ходимларни камайтириш ҳақида бош котираётган бир пайтда Гонконгдаги «L'hotel Group» меҳмонхоналар оператори янги ходимларни ишга олмоқда.

Уни Genie деб қақришади. У 432 номерга эга ушбу меҳмонхонага ишга тақлиф этилаётган сунъий интелектели учта роботнинг биринчиси. Робот меҳмонларга, жумладан, карантинда бўлганларга ҳам овқат ташийди. Genie бир кунда 130 дан 150 тагача буюртма ол-

моқда. Меҳмонлар ҳам ноодатий ходим билан суратга тушиш мақсадида буюртмани айнан унга бермоқда.

Буюртмани бажариш олдиан робот ичидаги контейнерга нонушта солинади ва хотирасига меҳмон турган хонанинг рақами киритилади. Шундан кейин машина мустақил ҳаракат қилишни бошлайди. У лифтни қақиради, керакли қаватга чиқиб, керакли хонани топгандан кейин меҳмонга етиб келгани ҳақда хабар беради, кейин ўзи қайтиб келади. Ҳар сафар буюртма бажарилгандан сўнг «темир ходим» яхшилаб дезинфекция қилинади.

Гонконгда туризм бизнеси қайта тикланишига караб, «Genie»нинг сафига яна иккита ҳамкасби қўшилади. Ҳар бирининг нархи 100 минг доллардан зиёд баҳоланмоқда.

Меҳмонхона эгаларининг таъкидлашича, пандемия шароитида роботларнинг устулиги яққол кўзга ташланади. Чунки сайёҳлар вирус юқтирмаслик учун меҳмонхона маъмуриятидан бошқа меҳмонлар ва ходимлар билан камроқ мулоқотда бўлишни таъминлашни сўраётти.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

